O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT KITOB PALATASI

Миллий тиклaниш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 5-iyul, chorshanba, 27 (357)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi



ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ



Истиқлол йилларида юртимизнинг ҳар бир гўшасида қурилган бинолар, обод йўллар ўзгача ҳусн касб этади. Қайта таъмирланиб янгича, замонавий кўринишга эга бўлган Тошкент темир йўл вокзали биноси ҳам пойтахтимиз кўркига кўрк қўшди.

ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Ангрен Педагогика институтида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент вилояти филиали ташаббуси билан «Ўзбекистонда Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ўрни ва роли» мавзуида семинар бўлиб ўтди.



Тадбирда ЎзМТДП Тошкент вилоят Ангрен шаҳар кенгашининг «Ёшлар қаноти» аъзолари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда мазкур институтнинг Тошкент вилояти филиали ходимлари, юртимиздаги мавжуд сиёсий партиялардан вакиллар ва бир қатор талаба ёшлар иштирок этишди.

Тадбирни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент вилояти филиали раҳбари Б.Тоғаев очиб, ёшларнинг ўрни тўғрисида гапирди. Шундан сўнг сўз Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг «Сиёсий партиялар фаолиятини ўрганиш» лойиҳаси раҳбари М.Примовга берилди. У бугунги кунда давлатчилигимиздаги кўппартиявийлик тизими моҳияти, партияларнинг фуқаролик жамиятида тутган ўрни ва вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

ЎзМТДП Ангрен шаҳар кенгаши «Ёшлар қаноти» раиси У.Исмоилов сўз олиб, шаҳар кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар, жумладан, жойлардаги бошланғич партия ташкилотларида ЎзМТДП Дастури ва Низоми доирасидаги ташаббуслар, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан шаҳар кенгаши томонидан ишлаб чиқилган иш режасида аҳоли ва ёшлар учун ўқув масканлари ташкил этиш кўзда тутилганлиги ҳамда Охунбобоев маҳалласида мана шундай ўқув маскани ташкил этилганлиги ҳақида гапирди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти «Ёшлар муаммоларини ўрганиш» лойиҳаси раҳбари О.Жумаев ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили эканлигини таъкидлади. Шунингдек, ЎзЛидеп Тошкент вилояти кенгаши «Ёшлар билан ишлаш» бўлими ходимлари ҳам ўз фаолиятлари ҳақида маълумотлар бериб ўтди.

Семинар баҳс-мунозара тарзида ўтди.

Улуғбек ИСМОИЛОВ,
ЎзМТДП Тошкент вилояти Ангрен шаҳар кенгаши «Ёшлар қаноти» раиси.

Сўз — ташаббускорларга

ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИДА

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатларини тиклаш, тарғиб қилиш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Уларни кенг оммага етказишда журналистлар, оммавий ахборот воситалари ходимларининг алоҳида ўрни бор, албатта. Вилоят кенгаши томонидан ўтказилаётган барча тадбирлар мазкур соҳа ходимлари билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Жумладан, яқинда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрамига бағишлаб вилоят кенгаши раҳбарияти билан вилоят телерадиокомпанияси жамоаси ўртасида анжуман бўлиб ўтди. Йиғилишни ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси И.Адинаев очиб, вилоят телерадиокомпанияси билан партиянинг вилоят кенгаши ўртасида амалга оширилган ишлар самараси ва келгусидаги вазифаларга алоҳида тўхталди.

Анжуман сўнгида партиянинг вилоят кенгаши билан ҳамкорликда иш юритаётган оммавий ахборот воситалари ходимларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Кейин партиянинг вилоят кенгаши аъзолари, шаҳар ва туман кенгашлари раислари иштирокида ҳудудий партия органларида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Жамиятдаги сиёсий жараёнларда партиянинг иштироки ва фаоллигини кўрсатиш ҳудудий партия органларининг асосий иши эканлиги таъкидланди.

Х.ИБОДОВА,
ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши бош мутахассиси.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТАЁТИР. НАШР КЎРСАТКИЧИМИЗ — 158.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши вилоят ОИТС маркази ва Жиззах Давлат педагогика институти билан ҳамкорликда вилоят «Маънавият ва маърифат» марказида «Соғлом авлод — миллат келажаги» мавзуида тадбир ўтказди.

***

Партиянинг Сирдарё вилоят кенгаши ташаббуси билан Сирдарё вилоят телевидениеси ва радиосида партия фаоллари иштирокида "Истиқлол — менинг тақдиримда" мавзуида суҳбатлар ташкил қилинди.

***

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Яккабоғ туман кенгаши ташаббускорлигида Яккабоғ тумани "Чўмич" маҳалла фуқаролар йиғинида "Аёлни улуғлаш — Ватанни, оилани, ҳаётни улуғлашдир" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

***

Жиззах Давлат педагогика институтида партиянинг вилоят кенгаши ташаббуси билан Жиззах шаҳридаги коллеж талабалари учун очиқ эшиклар куни ўтказилди.

***

Партиянинг Хоразм вилоят Боғот туман кенгаши ташаббуси билан "Меҳнат қилган — элда азиз" мавзуида фахрийлар билан учрашув бўлиб ўтди.

***

ЎзМТДП Жиззах вилоят Ғаллаорол туман кенгашида "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан "Энг саховатли фуқаро" мавзуида учрашув ўтказилди.

***

Наманган вилоят Поп туманидаги "Дўстлик" маҳалласида партиянинг туман кенгаши ташаббуси билан "Соғлигинг — энг катта бойлигинг" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

***

Партиянинг Андижон вилоят кенгашида "Гиёҳвандлик — ўз жонига қасдлик" мавзуида тадбир ўтказилди.

***

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Чироқчи туман кенгаши ташаббускорлигида Чироқчи Транспорт коллежида "Огоҳлик ва хушёрлик дунёни асрар" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

***

Ўзбекистон "Миллий тиклаиш" демократик партиясининг 11 йиллиги муносабати билан ЎзМТДП Тошкент туман кенгаши ташаббуси билан "Миллий қадриятларимиз — бебаҳо бойлигимиз" мавзуида тадбир ўтказилди.

***

Жиззах вилоят Бахмал туманидаги «Молтоб» фуқаролар йиғинида партиянинг туман кенгаши ташаббуси билан "Ўз уйингни ўзинг асра" мавзуида тадбир ўтказилди.

***

Партиянинг Қашқадарё вилоят Нишон туман кенгаши ташаббускорлигида Нишон касб-ҳунар коллежида "Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

***

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Музработ туман кенгашида "Ватан манфаати — улуғ ва муқаддас" мавзуида тадбир ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати.

Зиёлилар ва маданият — миллат ижтимоий-маданий тараққиётининг икки ажралмас таркибий қисмидир. Тарихий адабиётларда маданият хусусида нималар айтилган бўлса, улар у ёки бу тарзда зиёлилар мавзуига дахлдордир.

ЗИЁЛИЛАР ВА МАДАНИЯТ

Тарихга назар солсак, 20-30-йиллар собиқ иттифоқдош республикалар сингари, Ўзбекистонда ҳам «социализм қуриш» учун кураш даври бошланди. Сталин диктаторлиги қарор топгач, маданий инқилобни амалга оширишда талаб қилинадиган холислик ва хайрихоҳлик, санъат масалаларида бошқача фикрлашга тоқатлилик, назокат ва камтарлик, ростгўйлик ва ҳалоллик йўққа чиқди. Буларнинг ўрнини амри-вожиблик, фан арбоби, рассом, ёзувчининг ижодий тажрибасига қўпол, сурбетларча аралашиш, қандай бўлмасин маданият соҳасидаги эркин, мустақил фикр-мулоҳазани инкор этиш каби ҳолатлар эгаллади.

Эски кадрларга ёппасига ҳужум қилишни авж олдириш мақсадида, 1928 йилда Бош котиб кўрсатмаси билан «Шахтинс иши» деб аталмиш иш тўқиб чиқарилди.

Шаклланиб улгурган маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида Сталин йўл-йўриқлари асосида «ясалган» ички душман тимсоли (ғазабга учраган таниқли партия етакчилари каторида) инқилобгача бўлган даврда вояга етган зиёлиларда ўз тажаллисини топди. Қатағон босқини Ўзбекистон зиёлиларининг ҳам талай қисмини янчиб ташлади. Ўзбек халқининг Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Ф.Хўжаев каби сара фарзандлари «халқ душманлари» деб эълон қилинди.

Республиканинг биринчи ҳукумат бошлиғи Файзулла Хўжаев ҳам қатағонга йўлиққан кўпгина раҳбарлар сингари Ўзбекистонда «социалистик қурилиш», индустрлаштириш, аграр ва маданий ислоҳотлар дастурини амалга ошириш устида ишлади. У Ўзбекистоннинг алоҳида республика сифатида барпо этилишида, уни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда алоҳида роль ўйнади.

«Ўзбекистон таниб бўлмас даражада ўзгариб кетиши учун, — деб ёзган эди Файзулла Хўжаев, — учта асосий вазифани ҳал этиш керак. Хусусан, қишлоқ хўжалигини техникавий қайта қуриш, кенг миқёсли электрлаштириш негизида индустрлаштиришни амалга ошириш ва қолоқликни тугатиш учун маданиятни ривожлантириш зарур».

Яқин ўтмишдаги маълум тарихий шарт-шароитлар туфайли адабиётларимизда Ф.Хўжаевнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига асоссиз салбий баҳолар берилди. Бироқ, социалистик маданият ва миллий характерни имкон қадар мувофиқлаштириш ва мавжуд сиёсатнинг салбий оқибатларидан халқни имкон қадар чалғитиш учун у каби зиёлиларнинг фикрлари, қарашларидан ўзларини қатағон қилиб бўлса-да, фойдаланилди.

20-30-йиллардаги маданий инқилоб даврида Ўзбекистонда халқ таълими соҳасида хамма нарсани бошидан бошлаш керак бўлди. Агар Россия ўзида мавжуд мактаблар тармоғини кенгайтириш ҳақида бош қотирган бўлса, Ўзбекистонда уларни янгидан барпо этиш зарур эди.

Бу вазифани ҳал қилишда ўқитувчи кадрларни тайёрлаш муҳим ўрин тутарди.

Ўша даврда ўқитувчиларни доимий ишлаб турадиган педтехникумлар, институтлар, педагогика олий ўқув юртлари ва педакадемияларда тайерлашга ўтиш мақсадга мувофиқ деб қаралди.

60-80-йилларда маданий инқилоб муаммоларига оид жиҳатларни, шу жумладан, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш масаласини тадқиқ этиш давом эттирилди. Босилиб чиққан ҳужжатли ва статистика тўпламларида, муаллифлар гуруҳларининг жамланма асарларида ўқитувчи кадрлар тайёрлашга оид бир қанча маълумотлар ва фактлар учрайди.

1925 йилга келиб, республика ҳудудида 34 та педагогика ўқув юрти, шу жумладан, университет, 7 та маориф институти, 6 та педагогика техникуми ва ўқитувчилар тайёрлайдиган 20 та турли педагогик курслар бор эди. Бу ўқув юртларидаги ўқувчиларнинг умумий сони 6423 кишини, шу жумладан, 1459 нафари хотин-қизларни ташкил этган.

(Давоми 2-бетда)

ДЕҲҚОНЛАРНИНГ МАДАДКОРИ

Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси канал атрофидаги бир ёки ундан ортиқ деҳқонларнинг хоҳиш-иродаси билан тузиладиган ва улар томонидан бошқариладиган нодавлат, нотижорат ташкилотдир.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари ёки томорқа эгалари бу уюшмага аъзо бўлишади. Уюшманинг адолатли сув тақсимотини йўлга қўйишдаги аҳамияти катталигини эътиборга олиб ривожланган мамлакатларда сувдан унумли фойдаланиш мақсадида шу усулдан фойдаланилади.

Аграр соҳа республикамиз иқтисодининг ажралмас қисмидир. Шу боисдан Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси томонидан тузилган Дастур асосида ишлаш ҳар томонлама фойдали. Айниқса, кейинги йилларда ерларнинг фермерлар ихтиёрига берилиши сув тақсимотини яхши йўлга қўйишни талаб қилмоқда. Суғориладиган ерларда мўл ҳосил етиштиришнинг биринчи талаби ҳам шу. Шундай экан, Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ)ни деҳқонлар учун энг яхши мададкор, десак хато бўлмайди.

Бухоро вилояти Жондор туманида фаолият кўрсатаётган 7 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда самарали иш юритмоқда. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини қўллаб-қувватлаш дастури доирасида қўшни Қирғизистон, Тожикистон республикаларида ҳам иш олиб борилмоқда. Дастур техник ёрдам, ўқув машғулотлари ва грантлар орқали фермерлар даромадларини ошириш учун сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг бошқарув қобилиятларини такомиллаштиришга ҳамда ички хўжалик ирригациязовур тармоқларини иш ҳолатида сақлашга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда хорижлик ҳамкорлар билан иш юритаётган СФУларда фермер хўжалиги раҳбарларининг ҳуқуқий билимларини оширишга ҳам эътибор қаратилаётгани қувонарлидир. Тумандаги СФУлардан 5 тасига Белорус-82,1 русумли янги экскаваторлар грант асосида олиб берилди. 50 дан зиёд тўғонлар, сув ўлчов қурилмалари ва ернинг шўрланиши меъёрини аниқлайдиган замонавий ускуналар грант асосида берилгани фермер хўжаликларининг уюшма атрофига жипслашиб ишлашига сабаб бўлаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Дастур асосида ташкил қилинаётган ўқув-тренинглар эса СФУ аъзоларининг янги илғор технологияларга бўлган қизиқишларини ошириб келмоқда. Энг муҳими, дастур фермер хўжаликларининг манфаатдорлигига хизмат қилади.

Ўткир РЎЗИЕВ.

ТАДБИРКОРЛИК — ЗАМОН ТАЛАБИ

Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилди. Бозор иқтисодиёти шароитида ущбу йўналиш маблағ кам талаб этувчи, қисқа муддатларда фойда келтирувчи тармоқлардан ҳисобланади.

Мутахассисларнинг фикрича, Японияннинг жаҳондаги иқтисодий нуфузи ошишида кичик бизнес ҳал қилувчи роль ўйнаган. Биргина қайта ишлаш саноатида 6,5 млн. кичик корхона фаолият кўрсатган, улар соҳадаги жами корхоналарнинг 99 фоизини ташкил этган. Бу корхоналарда 40 млн.дан ортиқ киши иш билан таъминланган. Демак, иш билан банд аҳолининг 81 фоизи кичик бизнес корхоналарида фаолият кўрсатган.

Кичик тадбиркорликнинг фойдали томонлари кўп. Бозор талаби ўзгаришига мослашувчанлиги, маҳаллий ресурслардан кенг фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги, йирик корхоналарга нисбатан бошқариш харажатларининг камлиги, сарф қилинган капиталнинг қопланиш муддати қисқа бўлиши билан ҳам бу тармоқ кўпчиликнинг диққат-эътиборида бўлади.

Ўзбекистонда 1992-95 йилларда кичик ва хусусий корхоналарнинг сони 2,7 мартага кўпайди. Шу даврда кичик ва хусусий бизнесда банд бўлганлар сони 1,7 мартага ўсди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг навбатдаги босқичи 1999 йилдан бошланди. 2004 йилгача бўлган муддатда кичик ва хусусий корхоналар сони қарийб 73,7 фоизга, унда банд бўлганлар сони 45,4 фоизга ўсди. 1998 йилда жами кичик ва хусусий корхоналарнинг 60,3 фоизи фаолият кўрсатган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 85,6 фоизга етди. Бундай ижобий ўзгариш, энг аввало, ҳукуматнинг кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш бўйича амалга ошираётган чора-тадбирлари натижасидир.

Кичик ва хусусий корхоналарнинг 53,8 фоизи қишлоқ хўжалиги, қарийб бешдан бир қисми савдо ва умумий овқатланиш ҳиссасига тўғри келади.

Савдо ва умумий овқатланишда, илм-фан ва илмий хизматда фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий корхоналар сони ҳам мутлақ, ҳам нисбий миқдорда камайди. Шунга қарамасдан, савдо ва умумий овқатланишда фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий корхоналар сони сезиларли даражада сақланиб қолмоқда.

1999-2004 йилларда қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий корхоналар сони қарийб 3 баробарга ўсди. Бу аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, ущбу корхоналарнинг асосий қисмини деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этади.

Ҳозирги пайтда кичик ва хусусий корхоналар, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида жадал ривожланаяпти. 2004 йилда аграр соҳада фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий корхоналар сони 150 мингга етди.

Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг истиқболдаги ривожланиши янги иш бошлаётган тадбиркорларга молиявий ёрдамни кўпайтириш, уларга микрокредитлар беришнинг яхлит тизимини яратиш каби муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқ.

Шунингдек, молия ва банк тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш, банкларнинг мажбуриятлари бўйича тўловлари ҳамда кредит бериш имкониятларини, уларнинг инвестиция жараёнидаги иштирокини кенгайтириш, замонавий илғор технологияларни жорий этиш, кичик корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб этишлари ҳам амалга оширилса, келажакда кичик ва хусусий тадбиркорлик аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Насиба ҲАМДАМОВА,
ТошДШИ Халқаро алоқалар ва иқтисод факультети талабаси.

ЗИЁЛИЛАР ВА МАДАНИЯТ

Аввало, фан талабларига жавоб берадиган янги дастурлар бўйича она тилида дарс берадиган мактаблар, маданий-маърифий муассасаларнинг кенг тармоғини вужудга келтириш, миллионлаб кишиларга ўқишёзишни ўргатиш, маҳаллий миллатлар вакиллари орасидан мутахассис кадрлар тайёрлаш зарур эди.

Халқ таълими органлари қисқа муддатли педагогика курслари тармоғини кенгайтиришга киришди, кўплаб хотин-қизлар педагогика курслари ташкил этилди, ёзги курслар орқали малака ошириш тизими вужудга келтирилди ва кенгайтирилди, ихтисослаштирилган конференциялар ўтказилди.

1933 йилда Ўзбекистонда республика ўқитувчиларининг маълумоти ва педагогик маҳоратини оширишда муҳим ўрин тутган Халқ таълими кадрларининг малакасини ошириш институти ташкил этилди. 1934 йилда кейинроқ Мактаблар институти деб қайта номланган, Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти ташкил қилинди. Илмий кадрлар тайёрлаш анча кенг тус олди. 1928 йилда йирик олий ўқув юртларида аспирантуралар ташкил этилиб, улар зиммасига зиёли илмий кадрлар тайёрлаш вазифаси юкланди.

Республика мактабларида ишловчи ўқитувчиларнинг умумий сони 1943-44 ўқув йилига келиб, 1940-41 ўқув йилидагига нисбатан 3589 кишига камайди, мактабларга 6700 ўқитувчи етишмас эди. Зарур миқдордаги ўқитувчилар йўқлиги сабабли республикадаги салкам 400 та мактаб маълум вақт ишламади, кўпгина мактабларда эса бир қанча фанлар ўқитилмади. Мактабларда рус тили, физика, математика, химия, чет тили ўқитувчилари етишмас эди.

Тарихчилар республика халқ таълимининг урушдан кейинги йиллардаги ривожланиши ҳақида сўз юритар эканлар, Ўзбекистонда мактаб қурилиши халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилганлигини таъкидлайдилар. 1958-59 ўқув йилига келиб республика мактабларида ўқитувчилар сони 75254 кишига етди, бу 1940-41 ўқув йилидаги ўқитувчилар сонидан икки баравар зиёд эди. Мактаб тўғрисида қонун қабул қилиниши арафасида ўқитувчиларнинг кўпчилиги олий ва тугалланмаган олий маълумотга эга эдилар.

Илмий техника ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ зиёлиларнинг фаолиятини ёритиш 1941-45 йиллардаги уруш давридан бошлангани кўзга ташланади. Адабиётларда уруш йилларида фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси мустаҳкамлангани қайд этилади. Бу ҳамкорлик фан ютуқлари ва илғор тажрибани, деҳқончиликда — ғўза ва буғдойнинг серҳосил навларини, илғор агротехникани ҳамда чорвачиликда — энг яхши мол зотларини, уларни парваришлаш усулларини тезкор жорий этишга кўмаклашди.

Ўзбек зиёлиларига хос хусусиятлар — ватанпарварлик, байналмилалчилик ва уюшувчанлик машаққатли йилларда ҳам ёрқин намоён бўлди. Ўзбек олимлари ва мутахассислари иттифоқдош бошқа халқларнинг вакиллари билан елкама-елка туриб меҳнат қилдилар.

1943 йилда 23 та муассасани, шу жумладан, 11 та илмий-тадқиқот муассасасини бирлаштирган Республика Фанлар академияси ташкил этилиши Ўзбекистонда фанни ривожлантириш ишида муҳим босқич бўлди. Техник зиёлилар урушдан кейинги йиллар вазифаларини бажаришга катта ҳисса қўшдилар.

Аёл зиёли кадрлар шаклланиши тўғрисидаги масала Ўзбекистон маданияти ва зиёлилари тарихшунослигида ривожлантирилган мавзулардан бири бўлди. Тадқиқотчилар республикада хотин-қизлар таълими жараёнининг, аёл мутахассис кадрларнинг, биринчи навбатда, туб аҳоли жумласидан бўлган аёл мутахассисларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ўсишини кузатганлар.

Шу ўринда айтиш жоизки, миллий зиёлиларни шакллантириш ишида кутубхона омборлари ва китоб фондларининг, кутубхона тизими ривожланишининг аҳамияти катта. Ватанимиз тарихий тафаккурида маданият ва зиёлилар мавзуи кутубхоналар тармоғини ривожлантириш масалалари билан ҳам узвий боғлиқ бўлган.

Маданий ривожланиш ва зиёлилар тўғрисидаги тарихий адабиётларда маданий-оқартув муассасалари тармоғини ривожлантириш ва бу соҳа кадрлари фаолияти масалалари катта ўрин тутади. Аввалги йилларда бу йўналишда тадқиқотчилар томонидан талай самарали ишлар қилинди. Ватанимиз тарихшунослигида зиёли кадрлар тайёрланиши жараёнидаги асосий йўналишларни аниқлаш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилган. Педагог кадрлар, хотин-қизлар орасидан миллий зиёли кадрларни тайёрлаш тарихшунослар томонидан энг кўп ўрганилган мавзудир.

Техника, тиббиёт соҳасида ишлаган зиёлилар фаолияти, ижодкор зиёлиларни тайёрлаш ва ижодкор зиёлилар уюшмалари фаолияти, олий малакали кадрлар тайёрлаш, фаннинг ташкил этилиши каби масалалар нисбатан кам ўрганилган. Аввалги тузумнинг ғоявий нуқтаи назаридан ёзилган «Ўзбек совет зиёлилари» икки жилдлигини истисно этганда, республикамизда миллий ўзбек зиёлилари тарихини умумлаштирувчи жамлама асарлар амалда яратилганича йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, тарихчиларимиз ўзбек миллий зиёлилари босиб ўтган йўлни қайта ўрганиб, тадқиқот ишларини олиб боришса, фойдадан холи бўлмайди.

Фатхулла ЭРГАШЕВ.

(Боши 1-бетда)

Фермерлар — ислоҳот таянчи

ЭЛ ОЛҚИШИ — УЛУҒ САОДАТ

Арнасойга бориб, "Сангзор" фермер хўжалиги раиси Рашида Ёдгоровани сўрасангиз, ҳамма билади. Кимдир опанинг меҳнатсеварлигидан гапиради:

— Йил-ўн икки ой даладан бери келмайди. Гоҳ экинга сув тараётган бўлади, гоҳ ўғит сепаётган. Яхоб бериш, шўр ювиш ишларида ҳам ўзи бош-қош.

Яна кимдир у кишининг саховати ҳақида сўзлайди:

— Вилоятимиздаги 29-Меҳрибонлик уйига 1 миллион, туман шифохоналарига эса 500 минг сўм хайрия ёрдами берган.

— Етим-есирларнинг бошини силагани, туман миқёсидаги тадбирларда фаол қатнашгани-чи...

— Саховатига балли!

— Меҳнат қилиб кам бўлгани йўқ, барака топсин...

Бундай яхши гапларни эшитиб, у кишига қизиқишимиз ортди. Шундай бўлса-да, туман ҳокими ўринбосари билан маслаҳатлашдик.

— Рашида Ёдгорова ҳақида мақола ёзсак...

— Икки баравар арзийди! — деди ҳоким ўринбосари Исоқ Аввалбоев. — Фақат опани даладан топасиз.

Далага кириб борар эканмиз, жуссаси кичиккина аёл кўринди.

Рашида опа билан суҳбат давомида шу кичкина жуссада шунча ғайрат-шижоат ва жасорат борлигини кўриб, ҳайрон қолдим. Турмуш ўртоғидан эрта ажралган Рашида опа бешта фарзандини бир ўзи ўстирди. Лекин уларнинг етимлигини билдирмади. Узоқ вақтлар алоқа соҳасида ҳалол меҳнат қилди.

...Опанинг кўнглига ер ишқи тушиб қолди. Атрофдагилардан маслаҳат сўради. Унга тўғри йўл кўрсатувчилар ҳам бўлди. Бироқ фермерлик — эркакларнинг иши, бунинг устига ёлғиз бўлсангиз, эплай олармиканисиз, деганлар ҳам топилди. "Нега ёлғиз бўлай, — деб ўйлади Рашида опа. — Худо хоҳласа, ўғилларим ёнимга киради. Бу ёқда эл-юрт бор, қараб туришмас..." шундай бўлди. Фермер хўжалиги аъзолари бир оила фарзандларидек меҳнат қилдилар. Натижада 33 гектар ер ҳозир 99 гектарга кенгайди. Жамоада иш юритувчи Карим Абдуғаффоров билан бирга 3 нафар механизатор, 9 нафар ишчи ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишади. Кўрсаткичлар ёмон эмас. Биргина 2005 йилнинг ўзида пахта етиштириш бўйича шартнома режаси ошириб бажарилди.

Топширикдан ортиқча давлатга бир неча ўн тонна пахта сотилди.

Меҳнат қилган кам бўлмайди. Дарҳақиқат, Рашида опа ҳам эл-юрт орасида ҳурмат топди. Нафақат туман, балки вилоятнинг энг эътиборли фермерларидан бирига айланди. 1999 йилда Рашида опа Президентимиз Фармони билан "Дўстлик" ордени билан мукофотланди. Келажакдаги орзулари ҳақида сўраганимизда опа ютуқларини санамади, камтарона оҳангда: "Фарзандлар камолини кўриш", — деди. Опанинг ёруғ ниятларига етишини биз ҳам чин дилдан истадик.

Даврон ҚАЛАНДАРОВ.

ТЎКИНЧИЛИК БОЗОРДА КЎРИНАДИ



Бундай дейишимизга сабаб бор, албатта. Ҳозир юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, унинг бозорларида тўкинчиликни кўрасиз. Ёз ноз-неъматлари расталарни безаб, харидорларни ўзига тортиши шубҳасиз.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

● *Тақриз ўрнида*

ТОҒДАН ТУШГАН ҚАҲРАМОНЛАР

ёки ёзувчи Собир ЎНАРнинг "Чамбилбелнинг ойдаласи" китоби хусусида

Тоғлар сирлилиги билан, юксаклиги билан одамни ўзига жалб қилади. Шунингдек, тоғ одамларининг ҳам феъли бошқача — кенгроқ, тўпорироқ ва содда бўлади. Уларни кенгликлар улғайтиради, тоғлар улғайтиради, чексиз хаёллар улғайтиради.

Йилда бир тоққа чиққан одам ўзига анча қувват, кайфият йиғиб келади. Буларни тоғнинг тоза ҳавоси берадими, бошқа сири борми, билмадим. Англаганим — тоғликлар шу шароитда яшайди. Улар биз ҳар замон бир оладиган тоғ ҳавосидан, сувидан, неъматларидан баҳраманд бўлиб истиқомат қилади. Тоғлар сингари одамлари ҳам бошқача.

Айтмоқчи бўлганим, адабиётимиздаги кўпгина асарлар тоғлар, тоғликлар, уларнинг ўзгача табиати ҳақида. Сабаби, бизда тоғлар кўп. Табиийки тоғлар улғайтирган шоирлар, ёзувчилар кўп. Аслида бахшиларимиз ҳам аксарият тоғ одамлари. Эртак ва достонлардаги тоғларнинг номлари ҳам ўзимизнинг тоғлар. Бойсун, Нанай, Гараша, Галатепа, Накурт каби қишлоқларни машҳур қилган шу тоғларнинг шоиру адиблари.

Яқинда ёзувчи Собир Ўнарнинг "Чамбилбелнинг ойдаласи" китобини ўқиб, кўнглимдан шу гаплар ўтди. Китобдан ўрин олган қисса ва ҳикоялардаги аксарият одамлар шундоқ тоғдан тушиб келиб китобга киргандай. Бундай дейишимга сабаб — ёзувчи қаҳрамонларининг ҳаммасини ҳаётдан олган ва бадиийлаштирган. Аксинча бўлса, қаҳрамонни ўйлаб топиб қишлоқнинг шароитига олиб кирса, асарлар бунчалик самимий ва табиий чиқмас эди. Қишлоқ одамларининг бир феъли бор. Одамларнинг касбини ёки ўзига хос бир томонини исмига қўшиб айтишади. "Чамбилбелнинг ойдаласи" қиссасида ҳам образлар иккинчи исми билан бирга кириб келаверишган: Отақул Қирғий, уста Тиркаш, Муҳаммад оқсоқол, Маккам тажик, Нозик кушноч...

Қиссанинг менга маъқул бўлган яна бир тарафи — "Гўрўғли" достонидан олинган парчалар асарнинг руҳияти билан уйғунлаштирилган.

Асарни ўқиш давомида ўқувчи Қўшработнинг қишлоқлари бўйлаб хаёлан кезади: "Отанг тов ошиб қирғоқлаб, Парандоз чўққиминан айланиб, Пангатдан тушиб Жўшнинг нарёғи Чамбилбел дегич жой бор, ҳеч ким зиёрат қилмайдиган жой, отанг қайсар одам, бориб зиёрат қилади..."

Бундан ташқари, тилимиздаги ёки шевадаги сўзлардан жуда кўп фойдаланилганки, ўрнига бошқа сўз қўйилса, асарнинг "қаймоғи бузилади". Масалан, "бўйинса" сўзининг ўрнига "тенгдош" сўзи ишлатилса, жумла ясамалашиб қоладигандек, Шунингдек, "шилғирт машина", "бурундан қоғон", "шу офтобрўнинг оти чиққан кайвониси", "гум бўлди"...

Яна бир одат — отасини излаб кетаётган ўғилга танимаган биров отини бериб юборади, биров мошинасида ташлаб қўяди, биров уйида бир неча кунлаб меҳмон қилади.

Биргина Яхшигул образи қизларга хос андиша, ҳаё ва журъатни жуда чиройли очиб берган: "Ўша телефон қилганимда шундай уялиб кетдимки, худди биров пойлаб тургандай."

Хуллас, "Чамбилбелнинг ойдаласи" қисса-достонини (нимагадир шундай атагим келди) ўқиб, ўзимизнинг жайдари, тўпори одамларни соғинганимни ҳис қилдим. Асарнинг охирги жумлалари, яъни ўлиб-тирилиб одамлар орасига қайтган "Гўрўғли"нинг: "Чамбилбелнинг даштларини бирров ҳазиллашиб кезиб чиқдим-да. Сизларни суяман, мунис одамлар. Шунинг учун келдим. Мен ҳам бир гуноҳкор бандаман. Орангиздан жой беринг..." дегани димоғимни чоғ қилди.

"Инқилоб кечаси" қиссаси эса йигирма йил олдинги талабанинг хотиралари сифатида ёзилган. Бу қиссада талабаликнинг унутилмас оқшомлари, пахта мавсумида юз берадиган яхши-ёмон воқеалар қаламга олинган. Талабаларнинг домлаларга ном қўйишидан тортиб, севги саргузаштларигача баъзан кулгили, баъзан одамни ичини ачитиб юборадиган даражада ёзилган.

"Қорин домла"нинг пахта теримига жалб қилиш учун сиёсий нутқ сўзлашлари-ю, талабалар бундан зиғирча хулоса чиқармай, кечки овқатдан қолмаслик ёки ўқишдан ҳайдалмаслик учун пахта теришлари, ҳатто домлага аталган ароқни ичиб қўйиб, балога қолишгани, ниҳоят инқилоб байрами кечасидаги саргузаштлар талабаларнинг пахта мавсумини ҳам, домлани ҳам алам билан ёмон кўришларини кўрсатади.

Менга, айниқса, асардаги ўхшатишлар ёқди. Комиссарнинг талабаларни бошлаб далага чиқиши эчки-улоқларнинг "олдини олиб" юрган чўпонга ўхшатилгани, Ситора деган "туппа-тузук қиз" Жалол нашавандни севишини "Худди Александр Блок ароқхўр Россияни севгандек севади", деб таърифлагани, эгатларда жим пахта тераётган талабаларни "пилладек шитирлайди", дейиши, умуман, жуда кўп ўхшатишлар ёзувчининг топқирлигини кўрсатади.

Адибнинг ҳикоялари бир қадар фалсафий руҳ билан ёзилган. Ундаги қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари, ҳаётий қарашлари, ўзларига хос табиати ўқувчиларни йиллар ўтиб ҳам бу асарларни қайта-қайта ўқишга ундайди. Айниқса, "Жинқўчадаги муштипар", "Бир ўларман чавандоз", "Ўлмайдиган одам" ҳикоялари менга ана шу руҳни, ана шу кайфиятни бера олади.

Манзура ШАМС.

• *Жамият ва қонун*

ЯХШИ ТАРБИЯ ИНСОННИ АДАШТИРМАЙДИ

Суҳбатдошимиз — Ойзода Оққўзиева. Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди судьяси. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ҳуқуқшунослик факультетини битириб, иш фаолиятини 1976 йил Китоб тумани прокурори ёрдамчиси лавозимидан бошлаган.

Оилали, учта фарзанди бор.

— Ойзода Жаҳонгировна, ҳамма соҳада бўлгани каби истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизимида ҳам ислоҳотлар ўтказилди. Амалий фаолиятингизда бу ўзгаришлар қандай акс этмоқда?

— Тизимимиздаги ислоҳотлар, қонунларимиздаги ўзгаришлар фаолиятимизга бутунлай бошқача йўналиш берди. Суд, прокуратура фуқаролар онгига жазо берувчи муассаса сифатида ўрнашиб қолган эди. Бугунги инсонпарварлик тамойилларига асосланган қонунларимиз бизнинг тизим қонун ҳимоячиси эканлигини амалда исботламоқда.

Жиноятчи учун қора курсида ўтирган фуқаро судда ўзини айбдор, гуноҳкор ҳис этиши зарур. Жазо тарбияловчи хусусиятга эга бўлиши керак. Суд-ҳуқуқ тизими ходимлари иш фаолиятининг асосий йўналишларидан бири профилактика бўлиши зарур. Бундай хулосаларни бизга истиқлол даври берди.

— Мустақиллик байрами, Конституциямиз қабул қилиниши муносабати билан бир неча марта Президентимизнинг авфлари эълон қилинди. Баъзи жиноят турларига нисбатан жазони кучайтириш тўғрисида қонунларга ўзгартиришлар киритилди.

— Президентимизнинг авф этиш тўғрисидаги Фармонлари Ўзбекистон қадамбақадам инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик давлат сари дадил одимлаётганининг исботидир. Адашиб, билиб-билмай хато қилиб қўйган фуқароларни кечириш, ҳаётини ўнглаш учун имкон бериш, албатта, улар учун жуда катта имконият. Авфга тушган — жазо муддати қисқартирилган ёки жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган шахслар ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди. Ишга жойлашишлари, ҳаётда ўрин топишларига ёрдам берилади. Ҳатто, моддий ёрдам ажратилади. Жуда кўплаб авф этилганлар ҳаётда ўз ўрнини топиб кетмоқда. Аммо шундай жиноятлар содир этиладики, уларга бундай усулни қўллаб бўлмайди. Терроризм деган балоказонинг дунё бўйлаб кезиб юргани бугун ҳеч кимга сир эмас. Ўлим, жароҳат, вайроналик ёғилади улардан. Динни, хусусан, ислом динини ниқоб қилиб олган айрим бузғунчилар эл орасига нифоқ уруғини сочмоқчи.

Шунинг учун яқинда иркий, диний адоватни тарғиб этувчи турли асарларни сақлаш, тарқатиш учун белгиланган жазони кучайтириш тўғрисида амалдаги қонунларимизнинг баъзи бандларига ўзгартириш киритилди.

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг «Қалблар кашфиёти» асарида шундай сатрларни ўқиш мумкин: «Бир куни ҳазрат Умарнинг ўғли Абдуллоҳнинг ёнида эдим. Ўғли ҳам бор эди. У қўй сўйиб терисини шилаётган эди. Отаси дедики:

— Қўйни сўйиб бўлганингдан кейин қўшниларга беришни ёнимиздаги яҳудий қўшнидан бошла!

Абдуллоҳ бу сўзни ўғлига бир неча бор такрорлади». Мана, кўриб турганингиздай ислом дини миллат ажратмаган. Ажратиш, ёвузлик динга хос эмас. Шунинг учун кимки раҳм-шафқатга, эзгуликка қарши юрса, унга жазо — муқаррар.

— Халқимизда, «Шоли курмаксиз бўлмайди», деган мақол бор. Шу маънода сиз ҳар куни истамасангиз-да жиноят ишлари билан тўқнашасиз...

— Яқинда бир аёлнинг жиноят ишини кўрдик. Ўзи ўрта маълумотли ҳамшира. Иш жойи бўлган. Демак, бемалол тирикчилиги ўтади. Аммо у нафс йўлига киради. Бойигиси келади. Қарз олиб тижорат қилмоқчи бўлади, аммо эплай олмайди. Қарз берувчилар гирибонидан олгач, пул топиш йўлини ахтаради. Охири бўлажак куёви билан жиноий тил бириктириб М. исмли қўшнисини бўғиб ўлдиришади. Марҳуманинг қўли, бўйни, қулоғидаги барча тақинчоқларини олиб, жасадни чала қурилишга олиб бориб ташлашади. Қаранг, одамларнинг дардига дармон бўлиши керак бўлган ҳамшира нафс йўлида қотилга айланди. Тағин аёл киши! Фарзандлари бор, она. Ақл бовар қилмайди. Марҳума ҳам асли ҳаром-ҳариш билан бойлик орттирувчилардан эди. Ҳаром йўл охири одамзодни ўпқонга рўбарў этиши шу бўлса керак. Туппа-тузук ҳаёт кечирса бўладиган аёл энди умрининг узоқ йилларини панжара ортида кечиради.

—Инсон жиноят қилмаслиги учун нимага эътибор қилиш керак деб ўйлайсиз?

— Тарбиядан маблағни ҳам, вақтни ҳам аямаслик керак. Боғча, мактабларда яхши тарбия олган ёшлар кам адашади. Болалар нечоғлик илм билан банд бўлса, берилган вазифани бажаришим керак, деган масъулият билан яшаса, бошқа ишга вақти қолмайди. Болаларга китоб ўқитишнинг йўлларини ахтариш керак. Мана шуларнинг ҳаммаси соғлом турмуш тарзи омилларидир.

Суҳбатдош: Бўритош НОСИРОВА.

• *Такрор мутолаа*

АШТУ АЛАЛАРДА



Хадича кетди-ю, кўнглидан ҳаловат ҳам кетди. Уй бамисоли ўлик чиққандай ҳувиллайди. Полвоннинг юраги торикди — уйни тарк этди, боққа олиб тушадиган қияликдаги бобосидан қолган ертўлани ўзига бошпана қилди. Одамларнинг кулишини биларди, аммо уйдаги ҳамма нарса Хадичани эсга солади: остонага қадами теккан, деворга елкаси — чидаб ўтириши қийин бўлди.

Ертўла эски бўлса ҳам ҳавоси қуруқ эди. Ери нақ метин — чўкич тегса, чақин чиқади. Қоратойни ҳам ичкари олиб кирди. Бечора ит очиққа ўрганган эди, ертўлага кўниколмади, уч-тўрт кеча увлаб чиқди, лекин — йўқ, кейин-кейин эгасининг ҳолига тушди чоғи, пойгакка тўшалган похол устида индамай ётадиган бўлди.

Ертўла аввалига сал ваҳимали кўринди. Шифти паст, агар чироқ бўлмаса, нақ лаҳаднинг ўзгинаси...

Аста-секин ертўланинг гўрсимон эканига ҳам кўникди. Ёмғирли бир тунда уйқусиз ётиб, узоқ ўйлади, ўзининг тириклигини ўйлади, ёнида ити Қоратой борлигини, Хадичанинг кетганини... Бир ўзи кетса гўрга эди, қизчани ҳам етаклаб кетди. Шу тариқа, хаёли тўрт яшар қизчаси Чаманга оғди, қизим ҳозир Шўрқудуқнинг кўчасида бемалол ўйнаб юргандир, деб ўйлади, ҳатто унинг қўлчаларини тупроққа белаб қичқираётганини эшитгандай бўлди. Ярим тун экани, ташқарида ёмғир шаррос қуяётгани — бариси бекор эди. Хўрлиги келди, ўзидан хафа бўлди, кейин пойгакда хумдай бошини ерга қўйиб мудраётган итига сўзланди: менинг ҳолим шу, Қоратойжон, хотин кетди, ҳар ким ўз йўлига экан...

Ит отини эшитиб, кўзларини очди. Полвон гапириб ётаверди. Гўёки бор алами таниданҳовурдек кўтарилиб, бутун ертўлани тўлдираётгандай эди. Қоратой эгасининг қарашига чидай олмади, похол устида ғужанак бўлиб, яна кўзларини юмди.

...Кунлар шу зайлда ўтаверди. Синглиси Адолат ҳар кеч сигир соғар маҳали ҳолидан хабар олиб турарди. Акасининг ўрлигини билар, шу сабабли унга кўпда ақл бўлавермас эди. Лекин ахийри у ҳам чидаб туролмади.

— Менгаям осон тутманг, ака, — деди. — Жўжабирдай жонман, қайси бировларингга қарайман? Одамларга кулгу бўлдик, ака, бу кунингиздан ўлганингиз беҳроқ эди!...

Ҳар сафар синглиси келганда миқ этмай ётадиган одам, бу гал илкис қўзғалди:

— Мен ўлсам тинчийсанми, Адол?

— Қайтариб олдим, ака, — деди у. — Тилларим қирқилсин, ака, қайтариб олдим!...

— Сенга оғирим тушгани рост, — деди Полвон. — Сал сабр қилгин, сингил, мен аввал олд-ортини бир ўйлаб олай...

Ўшандан бери Адолат қорасини кўрсатмайди. Олиб келган нарсасини ҳам ертўладан ташқарига, тол-товоқнинг остига қўйиб кетади.

Кундузлари бир нав — ёлғизлик кўп билинмайди. Эрталаб қўлига гаврон олиб чўлга чиқиб кетгани билан то шомгача подага андармон бўлиб юради бахтига, шериги Ҳасанбой камгапроқ одам, бир марта уйланиб, йил ўтмай ажрашган. Полвоннинг хотини кетиб қолганига кўп ҳам ажабланмайди.

Кундузлари бир нав, жами азоб шомдан кейин, шифти паст ертўлага қайтган маҳали бошланади.

Хадича ёнингда ётганида ўлим ёдингга тушса ҳам қўрқмайсан: хотининг бор, боланг бор, тепангда — Худо, э, бир гап бўлар-да, деб ўйлайсан. Хадича бўлмаса қийин экан. Энди унинг сиёғи ҳам эсдан чиққандай: бечора салга шамолларди, шамоллаб димоғи чиппа битганида пишқириб безор қиларди, худабеҳуда чироқ ёқарди, ивирсиб ғашингга тегарди, лекин бари бир, борлиги дуруст эди — овунардинг, истаган пайтингда қўл узатсанг етади, ғингшиса ғингшир, иложи йўқ, ўртада нон синган, никоҳ ўқилган; бағрингга босиб юзи кўзидан муччи олган чоғларингда бечора кичрайиб қоларди, у-ку кичкина, лекин сен ҳам ўзингни пардек енгил сезасан; димоғингда сутнинг ҳиди, қаёққадир учиб кетгиларинг келади; доим кўклам бўлса, кўкаламзор бўлса, яланг оёқ, яланг бош, пардек енгил Хадичани кўтариб ҳовлидан чиқсанг, кейин шу кўтарганча кетсанг, ҳеч кимдан уялмасанг, кетсанг, йўлингда биров учрамаса, кетсанг-да, қаёққа кетаётганингни ўзинг ҳам билмасанг!

У хотинини умрида бир марта — чимилдиқда амаллаб кўтариб олган, холос. Фақат, баъзан пода кетидан юрганида хаёли оғиб, уни ана шундай кўтариб чопмоқни истаганларини эслайди. Чимилдиқда иккита аёл этагидан босиб турган, биттаси — Хадичанинг ўртанча аммаси, шунчаки этакдан босмай, нақ тақимига қистирган. Полвон унда ёш эди, бирмунча шўхлиги ҳам бор, кишибилмас тимирскиланиб туриб, Хадичани қўлтиғидан шартта кўтарди. Аммо ғафлатда қолди, кападек бўлиб ағдарилиб тушди. Уни роса кулги қилишди. Хотин-халаж баралла кулди. «Мана сенга, Ойбуви, мана сенга куёвнинг зўри», — дейишди. Зўру нозўри кимга керак — шунчаки гап бўлса, бас, ҳамма оғзига келганини айтади, ҳамманинг димоғи чоғ. Полвон чимилдиқ ортидан маст одамдай гандираклаб чиқди, чиқди-ю, кўчада шўрқудуқлик йигитлар билан ўралашиб турган жўраларини кўрди. Куёвнинг ўзи чиққач, шўрқудуқлик биттаси баттар авж қилди: «Сенга Хатча ҳайф, Полвон, — деди. — Ўзимиздан ортиб қолгани йўқ эди, қулоғини тишлаб қўювдик, ҳалиям ташлаб кетабер!..» Полвоннинг ёмон ажинаси тутди, лекин уришгани жўралари қўйишмади, неки ҳарбу зарб бўлса, ўзларини балогардон қилишди... Сўнг, Шўрқудуқдан чиқар маҳал, кўчанинг адоғида, улар тушган уловга тош ёғилди. Полвон сал энкайиб, келиннинг бошида турди, лекин Хадича шусиз ҳам бехатар эди. Устбоши қалин, юмшоқ — унга ҳеч зиён етмади. Биргина Ғуччи чолга тош қаттиқроқ тегди, бечора йилқичи, алами тутиб, овозининг борича айтиб қўяберди: «Нокас шўрқудуқлик, менинг айбим нима? Чимилдиққа кирган менми?!» Унинг бақирганига биров парво қилмади. «Ёр-ёр-ёрон-эй!» деб қўшиқ айтишди. Уни Шўрқудуқдан қўшилиб чиққан келиннинг хешлари бошлади. Галатепаликлар аввалига ийманиброқ туришди, кейин улар ҳам қўшилди, то ўзларининг сарҳадларига етгунча бўкириб боришди: «Томда товуқ ётади, ёр-ёр-ёрон-эй, оёғи совқотади, ёр-ёр-ёрон-эй!..» Ёлғиз Полвон қўшиқ айтмади. Индамай келди. Ғалати эди. Ёнида — Хадича, ҳали юзини тузукроқ кўролгани ҳам йўқ, уяту қўрқувдан бир бурда бўлиб ўтирибди, улов ҳар силкинганда елкаси тегади, худди бир яшин ургандай, ўт, олов, қиёматнинг нақ ўзи!.. Кенг бир дала, йўл, улов... Э, Худо, улов дегани мунча имилламаса!.. Бир ёқда қўшиқ, бир ёқда Ғуччи чол, ҳалиям сўкиняпти: шўрқудуқлик номард чиқди, кўчада рўпара бўлолмади, орқадан тош отди... Энди Ғуччига қийин, энди унинг ғуррасини Галатепа роса бир ой кулги қилади, ажаб бўпти, хўп бўпти, сен чолга куёвнавкарликни ким қўйибди; э, эналари ўлсин, нимасини эслайсан, Полвон, эслагулик жойи қолдими! Ёнингда Хадича ётса тузук, Полвон, ҳали бу кўрганларинг оз, Полвон!...

Хадича бир сидра кийимини тугун қилиб, пойгакда қотиб турди, бечора бирор сазо чиқишини кутди, лекин Полвон эр бўлиб бир нарса демади. Хадича даҳлизга чиқиб яна бир пас турди, ҳовлига чиқиб ҳовлида турди, илинди, қайтариб оларку, деди, аммо, Полвон тескари-тўнг бўлиб ётаверди, сўнг, Хадича дарвозага етганда чидаб туролмади, қизчаси Чаманни қўлидан судраб чиқди: «Ма, муниям обкет, пишириб ейсанми, исқотингга қўясанми!..» Муҳт еганда йиғламаган аёл, буни эшитиб ёмон бўшашди, кўзига ёш олди: «Ҳаҳ, фалак! — деди. — Майли, кетсам кетайин, бекадр бўлдим, майли, Худодан топинг». Шу гапни айтди-ю қизини етаклади-кетди. Қанча ётганини билмайди, бир пайт чиқиб қараса, Хадича узоқлабди, Шўрқудуқнинг йўлида қизини иярти кетяпти. Полвон Тошгазагача изма-из борди, лекин уларнинг қайрилмаганини кўриб шартта тўхтади, аввалига ғазаби йўқ, ичи тўла алам, чакмонининг барига бир урди: «Ҳай, майли, кетсанг кетабер, Хатча, Шўрқудуқ борасанми, нарироққа ўтиб кетасанми, бир бошимда бир куним, мен ҳам сенсиз улоқиб кетмасам!...»

Орқага қайтди. Ҳовлида ўтириб, замбилғалтакнинг бўшаган тирсагини созлади, чалғининг тиғини пешлади, ўзини юпатди, ҳатто сал овунгандай ҳам бўлди, кейин, кеч тушганда қараса, такрон жойда тоқ ўзи ўтирибди, дардлашгудек маҳрами йўқ, йиғлайин деса, кўр бўлгур кўзга ёш келмайди. Нотавонлигини энди сезди, аламидан хотин бечоранинг уйда қолган кийим-кечагини ҳовлига олиб чиқиб, ошпичоқ билан қиймалади, култепага элтиб кўмди. Йўқ, бу билан ҳам тинчимади, култепага ўзини элтиб кўмса ҳам тинчигудай эмасди. Безовта, беором, миясига қурт тушган қўчқордек ҳовлини гир айланиб югурди. Айланатуриб дарвозага рўпара бўлди-ю, уни ланг очиқ кўрди. Кўчага чиқди. Шўрқудуққа йўл тутмай, тўғри Салим сақичникига бурилди. Борса, Салим ҳовли ўртасида сандал қўйиб, олдида мағзава тўла тоғора, бир парча пишиқ ғишт билан товонининг емини қиртишлаб ўтирибди. Полвон тоғорани бир тепиб ағдарди, сўнг Салимнинг ёқасидан олди. Ўртага Махфират тушмаганда охири ёмон бўларди. Салим унинг қўлидан юлқиниб уйга чопди, зум ўтмай отасидан қолган қўштиғни кўтариб чиқиб, Полвонга ўқталди: «Кет, бўлмасам отаман!» Махфират милтиққа кўкрагини тутди: «Аввал мени отасан!..» Полвон уни четлади: «Кўй, синглим, эринг ҳазиллашяпти». Йўқ, хотин айтганидан қолмади, эридан милтиқни юлқиб олиб, ҳамсоянинг ҳовлисига отди. Полвон бошқа мушт кўтармади, ғазабини ичига ютиб, ташқари чиқди. Ҳаял ўтмай, ортидан Салим сақич ҳам чиқиб келди, қачон йиртиб улгурган бўлса ҳам, эгнидаги кийимнинг бутуни йўқ, енглари-ю иштонининг балоқларигача рўдаподай осилиб ётибди, бошидан тупроқ сочганми, афт-башарасининг кулга юмалаган тойхардан фарқи кам, чиқасолиб Низомбой милисанинг уйига жўнади. Полвоннинг хаёли қочди: бу номард бошини ёришдан ҳам тоймайди! Э, опкетса, опкетар, нима, ортингда йиғлаб қоладиганинг борми! Майли, охиригача номардлик қилаверсин, Низомбойга чақадими, бошқа қиладими, майли, шу номарднинг ҳам хусури қонсин!..

Ўзи кейинги пайтлар Салим сақич билан ошначиликни бас қилмоқчи эди. Бир-икки бор атай сўкишгани чоғланиб борди. «Зора сўкишиб қолсагу ора очилиб, юзкўрмас бўлиб кетсак», деб ўйлади. Йўқ, сўкиш ҳам осон эмас экан, одамнинг юзидан ўтиши қийин бўлди.

Ҳикоя

Мурод Муҳаммад ДЎСТ

(Давоми кейинги сонда)

Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги 2-сонли умумтаълим мактаб ёшларнинг маънавият ва маърифат маскани, маданият ўчоғига айланган. Туман халқ таълими, маданият ва спорт ишлари, ички ишлар бўлимлари ҳамкорлигида ташкиллаштириладиган илмий-амалий анжуман, кўрик-танловлар ва спорт мусобақалари ҳам кўпинча шу ерда ўтказилади.

ИҚТИДОРЛИЛАР МАКТАБИ



— Жамоамиз тажрибаларини кенг миқёсда оммалаштириб бормоқда, — дейди мактабнинг илмий ишлар бўйича бўлим мудири Юсуф Янгиев. — Ўқув масканимизда 900дан зиёд ўқувчи таҳсил олади. Она тили ва адабиёти, математика, физика, география, мусиқа, кимё ва информатика фанлари чуқурлаштириб ўқитилади. Фан олимпиадаларининг туман ва вилоят босқичларида ўқувчиларимиз яхши натижаларга эришмоқдалар.

Мактабда санъатга иштиёқи баланд ёшларни қўллаб-қувватлаш ва иқтидорлиларни шакллантириб бориш мақсадида «Ҳилол» фольклор этнографик гуруҳи ташкил этилганини эшитиб қувондик. Ўқувчиларни миллий қадриятларимизни эъзозлашга ўргатиш учун ана шундай йўл тутилгани маъқул келди бизга. Гуруҳ аъзоларининг орзулари бир олам, шунинг учун бўлса керак, ўтказиладиган ҳар бир тадбирга катта иштиёқ билан тайёргарлик кўришади. Мактабнинг санъат ихлосмандлари жамғармаси ва «Олтин мерос» вазирлиги Халқ таълими ташаббуси билан ўтказилган ўқувчилар фольклор-этнографик жамоаларининг республика танловида қатнашиб, фахрли 1-ўринни эгаллади ҳамда Германияга ижодий сафарга йўлланма билан борадиган бўлди.

Таълим

Мактаб кутубхонаси фонди янги адабиётлар билан бойитиб борилмоқда. Устозлар бир неча йил илгари ўқувчиларнинг «Китобхон синф» танловининг республика босқичида муваффақиятли иштирокини ҳалигача фахр билан эслашади.

Изланиш бўлган жойда ютуқлар ҳам кўп бўлади, албатта. Яқинда бу ерда «Мактаб ва маҳалла» шиори остида эзгу бир ишга қўл урилди. Ҳашар йўли билан маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди ва қишлоқ ёшларининг 35 нафари иш билан таъминланди. Мактаб ҳовлиси ҳам боғга айланиб кетди, сабаби ҳар йили эрта баҳордан мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилади.

Ёшлар тарбиясида спортнинг алоҳида ўрни бор. Мактабда спортнинг волейбол, футбол, стол тенниси, шахматшашка, кураш ва енгил атлетика турлари бўйича тўгараклар ташкил этилган. Уларга туман мактабларида таҳсил олаётган 500 дан зиёд ўқувчи аъзо бўлишган.

Аҳиллик ва тартиб бўлган жойдагина бундай яхши натижаларга эришиш мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Мактаб жамоаси ҳамжиҳатликда иш тутгани учун ҳам бу ўқув маскани тумандаги энг кўзга кўринган ўқув даргоҳларидан бирига айланди. Бошқалар ҳам улардан ўрнак олса арзийди.

Темур АЪЗАМОВ.

СУРХОНДАРЁНИНГ ҚАДИМИЙ ЖИҲОЗЛАРИ

Сурхондарёнинг туб аҳолиси қадим-қадимдан миллий қадриятларимизни эъзозлаб келади. Бу воҳанинг тарихи одамзод пайдо бўлган даврларга бориб тақалишини ҳамма яхши билади. Қадим Сурхон аҳолиси ҳаёт тарзи ҳақида қанча кўп ёзилса шунча оз. Қуйида чин маънода миллий қадриятга айланиб қолган, воҳаликларнинг турмушида ҳозир ҳам асқотадиган айрим керакли анжомлар ҳақида қисқача тушунча бермоқчимиз.

ЖОЙПЎШ

Жойпўш Бойсун халқларининг энг қадимий уй жиҳозларидан биридир. У асосан келинлар сепига зеб бўлган, келиннинг кўрпа-ёстиқлари тахланиб, устига ёпиб қўйилган. Жойпўш учун тахминан бўйи 2 метр, эни бир ярим метр турли-туман матоларнинг чиқиндисидан чиройли қилиб қуроқ қилинади. Қуроқлар бир-бирига тикиб чиқилади, атрофини айлантириб бир хил матодан адиб тикилади, қуроқнинг ички томонига эса астар тикиб қўйилади.

МАПРАЛЛАЧ

Мапраллач ҳам жойпўш сингари қадимий уй анжомидир. У Бойсуннинг чорвадор кўчманчи аҳолиси учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Мапраллач йиғма сандиқ вазифасини ўтаган, унга ҳар хил кийим-кечаклар, кўрпа-ёстиқлар солиб, юк ташувчи ҳайвонларга ортиб юриш жуда қулай бўлган.

Мапраллач кўрпанинг узунлигида қалин матодан бахмал, шол ёки тақир (тўқилган гилам) дан тикилади, баландлиги тахминан 2-3 қарич бўлади. Унинг ички томонига астар қилиниб, атрофига чиройли чолма тутилади. Яъни, 2-3 хил ип яхшилаб ўраб чироз тайёрланади. Мапраллачга оғизбоғичлар ўрнатилади.

ПЎСТАК

Пўстак учун қўй терисининг сифатлисини танлаш керак. Дастлаб ишланган тери ёйиб тузланади. Хамиртуруш суртилгач, қуритилади, кейин қайноқ сув билан юмшатиб ошланади, яъни хамиртуруш билан қатиқ аралаштирилиб терига суртилади-да, ўраб қўйилади. Ҳар 2 кунда очиб терига қайноқ сув сепиб, яхшилаб тирнаб, хамир суртиб қуритилаверади. Бу ҳол бир ҳафта давом этгандан сўнг, тери очиб ёйилади ва хамири тозалаб қириб ташланади-да, яхшилаб ювиб қуритилади. Атрофидаги ортиқча жойлари қириб олинади, агар катта пўстак тайёрланса, иккита ёки учта тери тайёрланади ва улар бир-бирига тикиб чиқилади.

Жуманазар АНОРОВ тайёрлади.

Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ АКАДЕМИЯСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ

2006 йил учун талабаликка қабул эълон қилади.

Филиалда «Иқтисодиёт» йўналиши бўйича ўқитиш фақат пуллишартномавий асосда ва рус тилида амалга оширилади. Тўлиқ ўрта ёки ўрта касб-ҳунар маълумотига эга бўлган, Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган ва ўқишни рус тилида тугаллаган шахслар кириш синовларининг натижалари бўйича танлов асосида қабул қилинади. Бакалавриатда ўқиш муддати 4 йил, магистратурада — 2 йил.

Ариза ва ҳужжатлар 20 июндан 19 июлгача соат 9:00 дан 17:00 гача қабул қилинади.

Академия филиалида тест синовлари 2 босқичда ўтказилади:

1-босқич — Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг ўқув дастурлари бўйича (мактаб дастури ҳажмида) математика (ихтисос фани) ва иқтисодий билим асослари фанлари бўйича 18 июлгача тест синовлари ўтказилади. I-босқич натижалари тест синовлари ўтказилган кундан кейинги кун эълон қилинади. II-босқич — Ўзбекистон Республикаси Давлат тест марказининг дастурлари бўйича 1 августда ўтказилади.

Манзилимиз:
Ўзбекистон Республикаси, 700003. Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй, 7-бино, 3-қават.

Телефон:/998-71/132-60-23 Факс:/998-71/132-60-22

E-mail: rea@rea.uz http: www.rea.uz

ТЕМУР ҚАБРИНИНГ ОЧИЛИШ СИРИ: *тасодифми ёки ...*

Халқ орасида неча йилдирки, қадимий ва ҳамиша навқирон бўлган Самарқанд шаҳрида абадий ором топган Соҳибқирон Амир Темур бобомиз қабрининг очилиши билан боғлиқ турли хил афсоналар юради. Яқинда «АиФ» мухбири Игорь Изгаршев мазкур экспедициянинг ҳозир ҳаёт бўлган ягона иштирокчиси, 95 ёшли кинооператор Малик Қаюмов билан суҳбатлашди.

МАВЗОЛЕЙДА МИНА ҚИДИРУВЧИ

1941 йилнинг июнида Амир Темур, унинг ўғли Шоҳруҳ ва набираси Улуғбекнинг қабрларининг очилишида қатнашиш менга насиб қилган. Умуман, академик Массоннинг қалласига Соҳибқироннинг қабрини очиш фикри 1926 йили келган, уни Амир Темурнинг қабридан эшитиладиган товуш қизиқтириб қолган эди. Лекин ўшанда совет ҳукуматида бу ишни амалга оширишга пул топилмаган. 1941 йили экспедиция учун молиявий масалалар ҳал бўлганида Массон ушбу тадқиқотларда қатнашишдан бош тортди. Унинг фикрича, тадқиқотларни олиб бориш илмий нуқтаи назардан тўлиқ асосланмаган. Энди яхши тушунянман, ўша пайтдаги ҳукумат учун илмий тадқиқотлар эмас, балки қабрдан чиқиши мумкин бўлган қимматбаҳо бойликлар биринчи ўринда турган. Фикримча, улар мавзолейда Миср фиръавнларининг қабрларига ўхшаб беҳисоб бойликлар яширинган, деб ўйлашган бўлса керак. Чунки қабрни очиш ишларида иштирок этаётган тадқиқотчилар орасида мина қидирувчи асбобга ўхшаган мослама кўтариб олган шахс ҳам бор эди. НКВД хизматчилари эса тадқиқот бошланишидан олдин бизга ушбу тадқиқот натижаларини ошкор этмаслик мажбуриятини юклаганди.

Қабрни очиш ишлари 17 июнь куни бошланди. Биринчи бўлиб Шоҳруҳ ҳамда Улуғбекларнинг қабрлари очилди. 21 июнь куни эса Соҳибқироннинг қабрини очишга киришилди. Ишнинг бошланишидаёқ чиғир синиб кетди. Танаффус эълон қилинди. Мен мавзолейдан чиқдим ва яқин атрофдаги чойхонага чой ичиш учун йўл олдим. Чойхонада ўтирган уч қария мендан қабрни очиш ишларига алоқам бор-йўқлигини сўрашди. «Бўлмасам-чи, мен у ерда энг каттасиман», — деб ҳазиллашдим. Чунки айнан менинг буйруғим билан ёритиш ишлари бошланар ва шундан сўнггина қазишга киришиларди-да. Шунда қариялардан бири менга бир китоб узатди ва қўли билан бир неча сатрни ўқиш учун кўрсатди. Китоб арабча ёзувда эди. Мактабда арабча ўқиганлигим сабабли ушбу сатрларни қийналмасдан ўқидим: «Соҳибқиронни безовта қилиш мумкин эмас — қабрдан уруш руҳи чиқиши мумкин...»

Мавзолейга қайтганимдан сўнг қарияларнинг сўзларини экспедиция раҳбарига етказдим. Улар мени жимгина эшитишди ва қариялар билан ўзлари суҳбатлашмоқчи бўлишди. Биз чойхонага етиб борганимизда учала қария чой ичиб ўтирарди. Бироқ экспедиция аъзолари улар билан гаплашиб кўришгач, қарияларни мазах қилиб кулишди. Улар хафа бўлиб кетиб қолишди. Биз эса мавзолейга қайтиб, ишни давом эттирдик.

ЛОЛ ҚОЛДИРГАН ВОҚЕА

Кутилмаганда мавзолейдаги барча чироқлар ўчиб қолди, лекин бунга ҳеч ким эътибор бермади. Носозликни ходимлар тўғрилашди ва барибир қабрни очишди. Биз Михаил Герасимов Соҳибқироннинг бош суягини ердан кўтарди. Мавзолейда «Ура» деган ҳайқириқ янгради.

Кечга бориб меҳмонхонада дам олаётган тадқиқотчиларнинг радио эшитгилари келиб қолди. Инглизчани тушунадиган шерикларимиздан бири қандайдир хорижий тўлқинни тутишга муваффақ бўлди. Инглизча гапираётган сухандоннинг сўзларини эшитаётган шеригимиз ранги оқарганча: «Уруш бошланибди», — дея таржима қилди. Хонада ўтирганлар бир неча дақиқа жим бўлиб қолишди. Барчамиз уч нуроний қариянинг огоҳлантиришини эсладик. Маълум муддат барчамиз тушкун кайфиятда ўтирдик. Кейинчалик бизни Ўзбекистон Компартияси МК биринчи котиби қабул қилгач, қариянинг огоҳлантириши ҳақида унга хабар бермаганимиз сабабли бизга бақирди. Экспедициямиз раҳбари эса ўзини оқлашга тушди. Соҳибқиронни лол қолдирган нарса шу эдики, 500 йил ер остида турганлигига қарамасдан Соҳибқироннинг қабри янгилигича сақланган эди. Қабрни очганимизда мавзолей бўйлаб хушбўй ҳид таралди. Лекин ўшанда бунга ҳеч ким эътибор бермади. Чунки барча диққат-эътибор Амир Темурнинг устихонига қаратилган эди. Археолог ва антрополог фронтга Жуков қўмондонлик қилаётганлигидан хабар топдим ва маршал билан учрашишга муваффақ бўлдим. Георгий Константинович менинг қабрни очиш билан боғлиқ гапларимни диққат билан эшитди ва бу гапларни Сталинга етказишга сўз берди. Маршал берган сўзининг устидан чиқди. Сталин эса зудлик билан Соҳибқироннинг устихонини қайта кўмишга буйруқ беради, Темурнинг устихонини қайта кўмиш ва мавзолейни қайта тиклаш учун 1 млн. рубль ажратади. Ўша даврда бу пулга бутун бошли дивизияни бир ой боқса бўлар эди. Соҳибқирон ва унинг қариндошларини ҳурмат билан қайта кўмишди. Шу ондаёқ совет қўшинлари Сталинград остонасида ўзининг биринчи ва энг муҳим ғалабаларидан бирига эришди.

Ржев остонасидаги нинг устихонини зудлик билан Москвага олиб кетишди.

Эртаси куни Самарқанд марказий майдонида ҳарбий қўшинлар фронтга отланишди. Ўзбек дивизияси тузилди. Шулар қаторида менинг катта акам ҳам жангга отланди ва мардларча ҳалок бўлди. Мен эса фронтга ҳарбий оператор сифатида жўнадим.

«Аргументы и факты» газетасидан таржима.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛИГИГА КИМ ДАЪВОГАР?

Германияда ўтаётган футбол бўйича XVIII Жаҳон чемпионати мусобақалари тобора қизғин паллага кирмоқда. Истаймизми, йўқми, Германияда якунига етаётган мундиал аввалгисидан анча фарқ қилди. Авваламбор чемпионатнинг чорак финалида турли вақтлар давомида Жаҳон чемпионлигини қўлга киритган олти жамоанинг тўқнаш келиши доим ҳам юз беравермайдиган воқеликдир.

Воқеаларнинг бундай ривожланиши ва чемпионликка даъвогар уч жамоанинг ярим финал йўлида тўхтатилиши кўпчиликда кейинги босқичларга бўлган қизиқишни орттирганлиги шубҳасиз. Биз бу ҳолатни кўпроқ немисларнинг чемпионликка бўлган имконияти ошганлиги билан ифодалашни истардим. Қолаверса, уч даъвогарнинг бир босқичда тўхтатилиши доимо узоқни кўзлаб иш тутадиган немисча ҳисоб-китобнинг самарасидан ўзга нарса эмас.

Иккиланмасдан айтиш мумкинки, Жанубий Америка ва Европа мамлакатлари ўртасидаги чемпионлик пойгасида ҳисоб тенглашди — 9:9. Ким чемпион бўлиши ҳам бу ҳисобга ҳеч бир ўзгартириш кирита олмайди. Аслида немислар илгари ўзларида ўтган Жаҳон чемпионатларида чемпионликни бегона қилишмаган. Буни немис футболчиларининг кекса авлодлари 1954 ва 1974 йилларда икки маротаба исботлаб қўйишган. Назаримда бу сафар ҳам чемпионлик учун Германия терма жамоасидан бошқа асосий даъвогар йўқ. Тўғри, немислар олдин Италия тўсиғидан ўтиб олиши лозим. Шундай бўлса ҳам чемпионлик учун асосий даъвогар жамоа Германия термасидир.

Чемпионат давомида тарихий воқеалар ҳам юз берганлигини таъкидлаш лозим. Германиялик Герд Мюллер Жаҳон чемпионатлари финал босқичларида тўп киритиш борасида ўрнатган рекорд (14 тўп) айнан унинг ватанида янгиланди. Янги қаҳрамон эса бразилиялик Рональдо бўлди. Энди унинг ҳисобида 15 та тўп бор.

Иккинчи воқеа эса Португалия терма жамоасининг ярим финалга йўл олишидир. Луиш Фигу ва К⁰ узоқ 1966 йилда Эйсебио ва шерикларининг қаҳрамонликларини такрорлашга муваффақ бўлишди. Португалия ҳақида гап кетганда Луис Фелипе Сколарининг алоҳида ўрнини таъкидламасдан иложимиз йўқ. 2002 йилда Бразилияни шохсупа сари етаклаган Сколари Карлос Алберто Перрейрадан баъзи бир жиҳатлари билан устун эканлигини ҳам оммага кўрсатиб қўйди.

Энди бемалол УЕФАни табриклаш мумкин. Аммо унутмаслик лозимки, навбатдаги чемпионатларда Европа жамоаларига бундай имконият туғилмаслиги ҳам мумкин.

Суръат ШАРИПОВ.

А.Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти

2006-2007 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар ва таълим турлари бўйича қабул эълон қилади

кундузги бўлимда бакалавр тайёрлаш бўйича:
- математика ва информатика (таълим ўзбек ва қозоқ тилларида);
- физика ва астрономия (таълим ўзбек тилида) ;
- кимё ва экология (таълим ўзбек тилида) ;
- биология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги (таълим ўзбек тилида) ;
- география ва иқтисодий билим асослари (таълим ўзбек тилида) ;
- тарих (таълим ўзбек ва рус тилларида) ;
- тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси (таълим ўзбек тилида) ;
- педагогика ва психология(таълим ўзбек тилида) ;
- меҳнат таълими (таълим ўзбек тилида) ;
- мусиқий таълим (таълим ўзбек ва рус тилларида) ;
- ўзбек тили ва адабиёти (таълим ўзбек тилида) ;
- рус тили ва адабиёти (таълим рус тилида) ;
- хорижий тиллар ва адабиёти (инглиз тили ва адабиёти) – таълим ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган гуруҳлар;
- миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари (таълим ўзбек тилида) ;
- бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш (таълим ўзбек ва қозоқ тилларида) ;
- мактабгача таълим ва болалар спорти (таълим ўзбек тилида) ;
- жисмоний тарбия ва жисмоний маданият (таълим ўзбек, рус ва қозоқ тилларида).

МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМДА БАКАЛАВР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА:
- бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш (таълим ўзбек ва қозоқ тилларида) ;
- мактабгача таълим ва болалар спорти (таълим ўзбек тилида) ;
- тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси (таълим ўзбек тилида) ;
- жисмоний тарбия ва жисмоний маданият (таълим ўзбек ва қозоқ тилларида) ;
- меҳнат таълими (таълим ўзбек тилида) ;
- мусиқий таълим (таълим ўзбек тилида) ;
- миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари (таълим ўзбек тилида) ;

Ҳужжатлар 2006 йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади. Кундузги ва махсус сиртқи бўлимларга кирувчи абитуриентлар бир кунда — 1 августда тест синовларидан ўтадилар.

АБИТУРИЕНТЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИЛАР:
1. Ректор номига ариза;
2. Маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси);
3. «086-У» шаклдаги тиббий маълумотнома;
4. 3х4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат;
5. Паспорт ва ҳарбий хизматга дахлдорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади;
6. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма (меҳнат стажига эга бўлганлар учун);
7. Махсус сиртқи бўлимларга ўрта махсус маълумотга ҳамда тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлар, шунингдек, мактабгача таълим ва болалар спорти мураббийларини тайёрлаш учун бакалавриатга ҳужжатлар қабул қилинади.

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА МАГИСТРАТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
- Математика
- Физика
- Кимё
- Биология
- Тарих
- Ўзбек тили
- Адабиёт
- Педагогика (таълим турлари бўйича)
- Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият

МАГИСТРАТУРАГА КИРУВЧИЛАР — бакалавр даражасига эга бўлганлар, дипломли мутахассислар олий таълим муассасасининг қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:
1. *Магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда олий таълим муассасасининг ректори номига ариза;*
2. *Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда унинг иловаси;*
3. *086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;*
4. *3х4 ўлчовдаги 6 дона фотосурат;*
5. *Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.*

Ҳужжатлар 2006 йил 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади. Кириш синовлари (махсус тест синовлари) 3-10 август кунлари ўтказилади.

Халқаро воқеалар

ИСПАНИЯДА ФОЖЕА

Испаниянинг Валенсия шаҳри метросида даҳшатли фалокат юз берди. Ичида 150 нафар йўловчи бўлган поезд ўз релсидан чиқиб, ағдарилиб кетган. Ҳозирча 34 кишининг вафот этганлиги ва 21 кишининг жароҳат олганлиги хабар қилинмоқда.

Теракт содир этилганлиги ҳақидаги тахмин ўз исботини топмади, фожеага бошқа нарса сабаб бўлган. «Фалокат тезликнинг оширилиши ва ғилдиракларнинг носозлиги натижасида содир бўлди. Ҳеч қандай тўқнашув юз бермаган», — деб хабар берди шаҳар ҳукумати вакили Луис Фелипе Мартинес.

Бу воқеа куннинг энг қизиган пайти — кўпчилик ишдан тушлик қилиш учун уйига кетаётган вақтда, соат 13 ларда содир бўлган.

Вафот этганлар орасида чет эл фуқаролари ҳам бўлиши мумкин. Сабаби, Валенсияда V Халқаро оилалар учрашуви тадбири ўтказилаётган эди.

ИСРОИЛ УЛТИМАТУМНИ ҚАТЪИЙ РАД ЭТДИ

Исроил ҳарбий хизматчи Гилад Шалитни ўғирлаб кетган фаластинлик террорчилар томонидан эълон қилинган ультиматумни қатъий рад этди.

Бу ҳақда бош вазир Эҳуд Олмерт девонхонаси тарқатган баённомада айтилади. «Исроил шантажга учмайди, фаластинлик маҳбусларнинг озод қилиниши ҳақида ҳеч қандай музокаралар олиб борилмайди», — дейилади ҳужжатда.

Илгарироқ 19 ёшли капрал Гилад Шалитни ўғирлаб кетган фаластинлик террорчилар Исроил тарафидан 1000 нафар маҳбусни озод қилишни, Ғазо ҳудудидан ҳарбий қисмларни олиб чиқиб кетишни ва 4 июл соат тонгги 6 га қадар ҳаво ва артиллерия ҳужумларини тўхтатишни талаб қилишган эди. Акс ҳолда, «аскарнинг озод қилиниши масаласи кўрилмайди», яъни, «Хамас» гуруҳи вакили Ғози Хамаднинг сўзларига қараганда, Исроил «ўз аскарининг на тиригини, на ўлигини олади».

«Исроил Шалитнинг озодлиги учун курашни давом эттиради», — дейди армия генштаби раҳбари Дан Халуц. Сўнгги хабарларга қараганда, Исроил Ғазога қўшимча ҳарбий қисмларни киритган.

Исроил Фаластинда ўғирлаб кетилган аскарининг озод қилиниши масаласида халқаро ҳамжамиятдан ёрдам кутаётганлигини маълум қилган. Яқин орада Исроил бош вазирининг Москвага ташриф буюриши кутилмоқда.

МЕКСИКАДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВЛАРИ

Мексикада ўтказилган президент сайловларининг дастлабки натижаларига кўра ким ғолиб бўлгани ҳозирча номаълумлигича қолмоқда. Икки номзод — сўллар номзоди, Мехиконинг собиқ мэри Андрес Мануэль Лопес Обрадор ҳам, консерваторлар вакили, собиқ энергетика вазири Фелипе Кальдерон ҳам ўз ғалабасига ишонч билдирмоқда.



Кўплаб қуролли аскарлар якшанба куни бўлиб ўтган сайловларнинг хавфсиз ўтишини таъминладилар. Аммо 130 минг сайлов участкасининг биронтасида жанжал кузатилмаган.

Аҳоли ушбу сайловларда фаоллик кўрсатган.

Андрес Обрадор жиддий ижтимоий ислоҳотлар ўтказишга, жумладан, аҳолининг кам таъминланган қисмининг аҳволини яхшилашга ваъда берган. Мутахассисларнинг айтишича, Обрадор ғалаба қозонгудек бўлса, сиёсий жиҳатдан АҚШ учун ноқулай қўшни ва аксинча, Фидел Кастро ва Уго Чавес каби мамлакат раҳбарлари учун янги ҳамкор пайдо бўлади.

«Бу Мексика учун бахтли кун, биз янги президент сайламоқдамиз. Мен ушбу жараённи жиддий кузатиб бораман, чунки натижаларга бефарқ эмасман», — деди мамлакатнинг ҳозирги президенти Висенте Фокс.

МОСКВА КИНОФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ

XXVIII Москва халқаро кинофестивали ниҳоясига етди. Унда икки юзга яқин кино асарлар мухлислар эътиборига тақдим этилди. Натижалар эса ҳаммани ҳайрон қолдирди.

Кўпчилик мутахассислар бу кинофестивалнинг муваффақиятсиз ўтишини башорат қилишганди. Бунга бир неча сабаблар бор. Ҳайъат раислигига таклиф қилинган австриялик ижодкор Михаэль Ханеке охирги кунларда Москвага кела олмаслигини маълум қилганди. Журналистлар эса тақдим этилиши кутилаётган фильмларнинг савияси пастлигини рўкач қилишаётганди. Аммо поляк режиссёри Анджей Жулавски раислигида ўтган фестивал башоратларни оқламади, билъакс омадли ўтди, дейиш мумкин.

Асосий соврин — олтин Георгий ҳайкалчасига кутилмаганда швециялик режиссёр Осман Каримнинг «Сара ҳақида» номли фильми муносиб топилди. Актёрлик ва режиссёрлик учун мукофотлар Англия, Германия ва Франция вакилларига тегди. Россия киноусталарининг асарлари эса ҳеч қандай соврин ола олмади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ЎзМТДП Марказий Кенгаши "Миллий тикланиш" демократик партиясининг фаол аъзоси Мукамбар Азимовага укаси

Абдумавлон Азимовнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-80
136-56-29
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 923.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 21.45